



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2003 йил 19 июнь, №127 (3239) Пайшанба

## ЎЗБЕКИСТОН — ЭРОН: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ



17-18 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов расмий таширф билан Эрон Ислам Республикасида бўлди.

Эрон ўзининг иқтисодий салоҳияти, табиий захиралари билан Яқин ва Урта Шарқ минтақаларида алоҳида ўрин тутадиган давлатдир. Жумладан, энергетика захиралари бўйича у дунёдаги "катта ундик" ка киради.

Ўзбекистоннинг Эрон билан муносабатлари кўп соҳаларда жадал ривожланмоқда. Сафар олдидан Президент Ислам Каримов икки мамлакат ҳақида азал-азалдан бир-бирининг илм-фани, маданияти ва санъатини бойиштириш, савдо-сотиқ қилиб келганини таъкидлади. Эрон Президенти Сайид Мухаммад Хотамий давлатимиз раҳбарининг мазкур фикрини тасдиқлади.

Ислам Каримовнинг ушбу таширфи ҳамкорликни янада ривожлантириш, уни ҳар томонлама бойитиш учун пухта замин яратишига ишонч билдиради. Музокаралар якуни ушбу ишонч ҳамда Ўзбекистон ва Эронда ўзаро муносабатларнинг ривожлантиришига интилиш кучли эканлигини тасдиқлади. Президентлар музокара якунида юзасидан қўшма баёнот имзолади. 2000 йили имзоланган Хукуматлар ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар, савдо-иқтисодий алоқаларни қарантини борасида ҳамкорлик тўғрисида ҳужжатлар, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Эрон Экспорт ривожлантириш банки ўртасида кредит битими, Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати билан Эрон Хавфсизлик вазирлиги ўртасида ҳамкорлик меморандуми қабул қилинди.

Шу сабабли ҳам Ислам Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон, Афғонистон, Эрон ҳамда Ислам тараққиёт банки ва Осиё тараққиёт банки иштирокида трансферон йўлини очиб қўйилган. У Термизда бошланиб, Афғонистоннинг Мозори Шариф ва Хирот шаҳарлари орқали Эрон ҳудудига туташибди. Эрондаги мавжуд коммуникация тизими эса Бандар Аббос ҳамда Чорбаҳор бандаргоҳлари етиб олиш имконини беради. Бу билан Марказий Осиёдан Форс кўрғазига, океанга туташиб бандаргоҳларга чиқиш, у ёқдан эса минтақамизга келиш учун янги, арзон ва қўлай йўл очилди.

Ушбу масала таширфининг иккинчи кунда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов, Эрон Президенти Мухаммад Хотамий ва Афғонистон Ушш ҳукумати раиси Хамид Карзай иштирокида бўлган уч томонлама учрашувнинг асосий мавзуси бўлди. Эрон ва Афғонистон раҳбарлари Ислам Каримовнинг мазкур ташаббусини тарихий воқеа сифатида баҳолади. Зеро, йўл қурилиши нафақат мазкур уч мамлакат, балки уларга қўшни давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар кескин ривожланишига ҳам йўл очибди.

Ислам Каримов, Мухаммад Хотамий ва Хамид Карзай ушбу масалаларни қамраган Халқаро транспорт йўналишлари тўғрисидаги битимга имзо чекди. Президент Ислам Каримов таъбири билан айтганда, уч давлат раҳбари мазкур лойиҳага оқ фотиҳа берди.

Ўзбекистон раҳбари Ислам тараққиёт банки (ИТБ) президенти Аҳмад Мухаммад Али Ал-Маданий билан ҳам учрашди. Сўхбат давомида халқаро коммуникация тармоқларини ривожлантиришда ИТБ билан ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, томонлар мазкур банк билан Ўзбекистон молия ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масаласини муҳокама қилди.

Олий Мажлисда  
«Бизда сийбсий-ижтимоий тадбирлар, давра суҳбатлари олдиндан белгиланган режа ва меъёрлар асосида ўтади. Ҳеч ким ортиқча бир сўз айтолмайди, шу боис уларни мириқиб ўзлаштириш, фикр билдириш қийин кечади», деган фикрни ҳамкасбларимдан бири айтиб қолган эди. Кеча Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасида «Банк сирини тўғрисидаги қонун лойиҳасининг муҳокамасида ўша ҳамкасбим иштирок этганида, бу фикрнинг нечоғли асосий эканига амин бўларди».

## Кўндан хўб фикр чиқар

Тасаввур қилинг: юртимизнинг йирик банкилари, иқтисодчи олимлар, тадбиркорлар, давлат ҳуқуқ ва солиқ органлари вакиллари, депутатлар, шунинг билан биргаликда «Банк ахборотномаси» газетаси ходимлари (таҳририят давра суҳбатини қўмита билан биргаликда уюштирган) бири олиб, бири қўйиб қонун лойиҳасини муҳокама қилди. Сўз олиб, ўз фикр-мулоҳазаларини, тақлифларини билдирувчиларнинг кети узилмайди. Солиқ ходимлари қонун лойиҳасининг бевосита ўзларига алоқадор 11-моддаси билан боғлиқ қўшимча талаб ва ўзгартиришларни тақлиф қилса, прокуратура вакиллари 9-моддага киритилиши зарур тақлиф ва истақларини баён этиди. Кимдир қонун лойиҳасида ҳаётлик етишмаслигини айтса, яна кимдир уни бийойдек, деб баҳолади. Давра суҳбатини бошқарган Бюджет, банк ва молия масалалари қўмита раиси ўринбосари Раҳмонкул Каримов қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда Швейцария, Канада, Германия, АКШ каби энг ривожланган давлатлар тажрибаси ҳисобга олинганини маълум қилди. Охирги йилларда аҳолининг банкларга омонатлари микдори тўрт баробар ортган. Демак, фуқароларнинг омонатларини муҳофаза этиш зарурати кучайиб бормоқда. Бу борада дунёнинг энг олди мамлакатлари тажрибасини бизга айтиш қўлай. Шунингдек, ўз имконияти ва шароитларини билан ҳисоблашмасликнинг ҳам иложи йўқ. Мақсад—қонунлар ҳаётда ишласин. Шу таҳлилдаги мунозара ва чиқишлар давра суҳбати якунида қонун лойиҳасини мукамаллиги учун маълум тақлифларнинг туғилишига сабаб бўлди. Жумладан, ишчи гуруҳи томонидан тузилган тақлиф ва мулоҳазаларни ўрганувчи комиссия аъзоларининг маълумотларига қараганда, «Банк сирини тўғрисидаги қонун лойиҳаси юзасидан аҳолидан тушадиган тақлифлар, асосан, тўртта бўлиб тақлиф қилинмоқда. Аввало, банк сирини ташкил этишни маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза этишни органларга бериш билан боғлиқ тақлифлар. Бу маълумотларни тақдим этишда ноқонуний йўл тутган масул шахслар ва айбдорларнинг жавобгарлиги билан боғлиқ қўшимча мулоҳазалар. Шу билан бирга алоҳида давлат органларига маълумотларини бериш тартиби ҳамда таҳририй ўрнатилган тақлифлар ҳам ўрнатилмоқда.

Мамлакат НОРМУРОДОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

## Шу сонга хабар ГРЕЦИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН МЕДАЛЛАР

Олимпиада уйинлари ватани бўлмиш қадимий Грецияда таъвандо ( I TF) бўйича катталар ўртасида навабатдаги жаҳон чемпионати ниҳоятда етди. Уч кун давом этган нуфузли мусобақада 86 та давлатдан тупланган энг кучли спортчилар гонлибик учун татавмига чиқдилар.

Кувонарлиси шундаки, 1 та олтин, 5 та кумуш ва 8 та бронза медалини қўлга киритган мамлакатимиз вакиллари ушбу беллашуларда умумжамоа ҳисобида фахрли унвонни қўлга киритишди. Кеча Тошкент халқаро аэропортида мамлакат спорт жамоатчилиги ҳамда журналистлар иштирокида гонлиб таъвандочиларни кутиб олиш маросими бўлди.



СУРАТДА: Акмал Эргашов оғас билан, Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## Олий ўқув юртларига қабул қандай ўтади?

ТОШКЕНТ (УзА мухбири Назолат Усмонова). Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, идора, ташкилот ва олий ўқув юртлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, мазкур комиссия раиси Ҳ.Каримов бошқарган йиғилишда мамлакатимизда билим олиш истагини билан сони йил сайин ортиб бораётгани кувонарлик экани қайд этилди. Қадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни ижод амалга ошириш, олий таълим муассасаларига иқтидорли ва чуқур билимли ёшларни танлаб олиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалар учун замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг



Йиллиги тайёр! Учқўриқ туманидаги Фахриддин Шамсидиннов номи ширкат хўжалиги галлакорлари Фаргона вилоятида биринчилар қаторида йиллик топшириқ режасини адо этишди. Қўриқ майдонларнинг ҳар гектаридан 34 центнер ўрнига 40 центнердан сара дон йиғиштириб олинди.

## ЎЗБЕКИСТОН — ЕВРОПА ИТТИФОҚИ:

## ЛОЙИҲА ТАҚДИМОТИ

Европа Иттифоқи Комиссияси ваколатхонасида «Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик ҳақидаги битимни ҳаётга жорий қилишни қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси иккинчи босқичининг тақдими бўлди.

ЕвропЭйд дастури доирасида амалга оширилаётган ушбу лойиҳанинг тақдимот маросимида Франция, Италия элчилари ҳамда Германия, Буюк Британия, Чехия элчханалари вакиллари иштирок этди.

Лойиҳанинг иккинчи босқичи жорий йилнинг 10 апрелидан келаси йилнинг декабрига қадар амалга оширилади, — деди лойиҳа раҳбари Адриан Стрейт. УзА мухбири билан суҳбатда.

Лойиҳанинг иккинчи босқичи ҳам аввалгидек Ўзбекистонда тадбиркорлик ва савдо-сотиқ соҳасига тегишли қўнунчиликни Европа андозаларига яқинлаштириш ҳамда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишда мамлакатимиз ҳукуматида кўмак беришдан иборат.

Лойиҳанинг биринчи босқичида Ўзбекистонда компаниялар, рақобат, ҳоризий сармоа, солиқ ва бож соҳасида қўнунчиликни Европа андозаларига яқинлаштириш бўйича масалалар берилган эди. Бундай мулоқотлар лойиҳанинг иккинчи босқичида ҳам давом эттирилади. Шунингдек, лойиҳанинг иккинчи босқичи Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб киришни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Шубҳасиз, бунда мазкур ташкилотга кириш учун товарлар, хизматлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилишга тегишли музокараларда Ўзбекистоннинг ўз манфаатларини ҳимоя қилишга кўмак беришидир. Шунингдек, мамлакатимизда экспортни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишга ҳам эътибор қаратилди. Мазкур ташаббуслар Ўзбекистон ҳукумати томонидан маълумланган.

Сандурод РАҲИМОВ.



Янги спектакль

Ўзбекистон Миллий театри сахнасида янги асар пайдо бўлди. Бу — «Умр шомидаги бахт» спектаклидир. Асар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Дилбар Махмудова ва санъатшунос олим Тилаб Махмудовлар томонидан яратилган ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмағида сахналаштирилган.

Умр шомидаги бахт

Ушбу театр томошаси муҳим ҳаётий-инсоний мавзуга — қарияларни асраб-авайлаш, уларнинг қадр-қимматини ўрнига қўйиш масаласига бағишланган. Мана, Аваз ота. Ёлғиз ўғлини еру кўкка ишонмай ўстирган. Фарзанди ҳуқуқшунослик бўйича олий таълим олиб, туманда обрўли ишга жойлашди. 20 хонали мухташам уй қуради. Ота бундан қувоничи керак. Лекин у, ақинча, га-муссага ботиб, ўғли тиклаган ҳашаматли хонадонда яшамай, Қариялар уйига кетишга мажбур. Сабаби — бу уй ҳаром-ҳарис йўлдан қилинган пул, давлат эвазига торилган. Спектаклда ўғилнинг ноҳақ қиёфаси ўғилдан ишонарли воқеа-ҳодисалар, ота-ўғил ўртасидаги драматик тўқнашувлар —

М. САФАРОВ.

«Ўткан кунлар» — тожик тилида

Сурхондарёлик ёзувчи-журналист Истат Қосимзода устоз Абдулла Қодирий тугилган куннинг 110 йиллигига муносиб совға тайёрлади. У адибнинг «Ўткан кунлар»ни тожик тилига таржима қилди.

— Жаҳон адабиётининг дурдоналаридан бўлмиш бу роман 1937 йилдаёқ Абдусалом Мирмухаммадзода Деҳлети томонидан тожик тилига ўзгариштирилган, — дейди Қосимзода. — Бироқ асарни чоп этиш учун қатагонлик ҳужжатдан чўчиганлар. Ва босмаҳонада тайёр турган транслардаги сатрларни тўқиб ташлаб, матн ёндириб юборилган. Китобни Тожикистон Республикасининг «Ирфон» нашриёти нашрга тайёрлади, — дейди таржимон.

О. УСАНОВ,

«Халқ сўзи» мухбири.

«Ўзбек рақси» чоп этилади

Ҳозир Ўзбекистонда «Ўзбек рақси» деб номланган янги нашрни босмага тайёрлаш таралдули кўрилмади. Ўзбекистон халқ артисти, таниқли раққоса Қизилархон Дўстмухамедова саъй-ҳаракати билан амалга оширилётган бу хайрли иш «Устоз» республика жамғармаси томонидан ҳам қўллаб-қувватланди.

А.АҚБАРОВ.

АЗИЗ ЎҚУВЧИЛАР! ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС МАКТАБ МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ ЛИЦЕЙ (РЕСПУБЛИКА МИЛЛИЙ ЛИЦЕЙИ) 2003/2004 ўқув йили учун 9-синф битирувчиларига қабул эълон қилади. Лицейда ўқиш муддати — 2 йил. Лицейга қуйидаги йўналишлар бўйича ҳужжатлар қабул қилинмоқда: аниқ фанлар; иқтисодий-гуманитар фанлар; табиий фанлар. Барча йўналишлар бўйича лицейда инглиз тили чуқурлаштирилган ҳолда ўргатилади. Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 25-уй. 38, 57, 58-автобуслар, 7, 13-троллейбуслар ва 9-трамвайлиги «Бобур боғи» бекати. Мўлжал: «Океан» дўкони қаршисида. Телефонлар: 55-04-51, 55-66-17.

Яқин кунлар ичида барча олий ва ўрта махсус ўқув юртиларига киришувчилардан ҳужжатлар қабул қилиш ишлари бошланади. Таълим даргоҳларида янги ўқув йилига қабул мавсумига тайёргарлик қай даражада? Тошкент Мелиорация ва сув ҳўжалиги коллежи директори Сафо ВАФОВ билан ана шу мавзуда суҳбатлашдик.

Коллежимизга марҳамат!

— Ўқув юртимизда умуман кенг кўламдаги тайёрлов курслари очилган ва унда юқори малакали ўқитувчи-мураббийлар таълим беришди. Шунингдек, техника олийгоҳларига киришни истганлар бу курсларимизда физика, математика, инглиз, рус ва ўзбек

номзоллари, профессор устозлар таълим беради. — Абитурентлар коллежи кириш учун қандай ҳужжатлар топширишлари керак? — Коллежимизда ўқишни хоҳловчи ёшлар 20 июндан бошлаб қабул комиссияларига қуйидаги ҳужжатларни топширишлари мумкин. 3х4лик 6 дана расм, 0,86 — У тиббиёт маълумотномаси, турар жойидан маълумотнома. Тузилганлик ҳақида гувоҳнома ҳам топширилади. Албатта, ҳар бир ўқув юрти муаллимлари, раҳбарияти ўз талабаларига замон талаблари даражасида юксак билим беришга ҳаракат қилади. Коллежимизни тамомлаб чиққан сув ҳўжалиги мутахассисларига ҳаётда эҳтиёт катта.

ярим гектардаги боғнинг ҳар гектари учун 1 миллион сўмдан ижара ҳақи тўлади. Ойланган қанча даромад олганлигини эса бир йил ичида хонадон «Дамас» ва «Тико» автомашиналари харид қилиб олганлигидан ҳам билиш мумкин. Абдурахмон ота сингари фермерларнинг беназир меҳнати тўғрисида ширкат ҳўжалиги юксалини йўлга чиқиб олди. Утган йили ширкат ҳўжалиги билан шартнома тузган ижарачилар ҳўжалик ҳудудига истиқомат қилувчи қарияларнинг

олганлар. Фақат лоқайд бўлмастик, пахта билан бирга илаб, бирга нафас олиш керак. Туланбой отанинг гапларидан ана бир хўласа келдим: Фарғона тажриба мактабининг ҳар бир туманда, ҳар бир қишлоқда ўзига хос ўчоқлари, сарқорлари бор. Вилоятнинг ҳар бир туманида пахтачиликдан ўзига хос тажрибага эга бўлган ҳўжаликлар, фермерлар, ижарачилар бор. Олтириқликлар томорқадан икки-уч марта ҳосил

ЗАРГАРЛАРИ

ками-кўстларини бут қилиш учун 3,1 миллион сўм, «Муроббахи» зияратгоҳи ободончилигига 4 миллион сўм, шаҳардаги ногирон болалар махсус мактабининг қайта жиҳозлан ишларига 3 миллион сўм маблағ ажратилди.

Қувасойликлар боғ ва полиз лйикаларида ижара усулида ҳосил етиштиришни жуда яхши ўлаштириб олинган. Бу ерда бир гектар боғ учун тўла нафат ижара ҳақи виллоятнинг ўртача кўрсаткичидан деярли икки баробарга ортди. Масалан, Ҳамид Олимжон номли ширкат ҳўжалиги ижарачиси Низом Йўлдошев етти гектар боғни парваришлаб, икки ярим миллион сўм нақд ижара ҳақи тўлаган. Балки қимматлироқ бўлиб кўринар, лекин ижарачи шахсий бюджетига 6,5 миллион сўм соф даромад олиб, янги автомашина харид қилганлигини, уй-жой соғланганини ҳеч қимдан яширган йўқ. «Мўйноқ» ширкат ҳўжалиги ижарачиси Т.Қодиоров, «Бехидор» ширкат ҳўжалиги ижарачиси О.Банноповлар ҳам ўз тасаруфларидаги боғларнинг ҳар гектарига 500-540 минг сўмдан ижара ҳақи тўлашдан ташқари қишлоқдорларга мактабларни янги ўқув кўрсаларни, дарсликлар билан таъминлашни ҳам зиммаларига олган.

Ғўза ҳам тирик жон, фарзанддай гап

Тошлоқлик аял пахтакор Комилжон ака Мамажонов билан суҳбатлашганиз «Ҳа, бу камсуюқ деҳқон бекорга мамлакатимиз деҳқонлари орасида «Ўзбекистон Қўҳрамон» уюнига сазовор бўлмаган экан» деб баҳра берасиз. Комилжон ака ўта кампан, камсуюқ одам. Давраларда, тўйларда оғзини сув солиб ўтиради. Гургулларда, мунозараларга қўшиқлавермайди. Агар

олиб, юртимизга донг таратишган. Бу ерда боғнинг, турп, сабзи, асосан, кузда оби-тобида ҳайдалган ерга олиб қўйилган пуштага экилган. Энди, мана беш-олти йилдирки, бу муҳим агротехник тадбир пахтачиликда ҳам қўлланиляпти. Лолаҳон Муротова раҳбарлик қилаётган «Нуробод» ширкат ҳўжалигида пахта экиладиган 929 гектарнинг ҳаммасига кузда пушта тортиб қўйилди. Баҳорда эса енгил боруналаб, пушталарга пленка тортилиб, чигит ташланади. Пуштаннинг афзаллиги ҳақида кўп ва хўп гапирилган. Лекин, биз бу тадбирнинг ёйингарчилик кўп бўлган пайтида асқотган афзаллигини алоҳида таъкидламоқчимиз. Муттасил декард ёмиғр ҳам сарфлаган бўлса, орадан бир йил ўтиб фермерлик усулида иш юритилганда, бу сарф гектар ҳисобига 108 килограммга камайиб, 345 килограммга тўғри келди. Натияжада бир йилнинг ўзида 210 миллион сўмлик ёки бошқача қилиб айтганда 1604 тонна ёқилми-мойлаш материаллари иқтисод қилиб қолди. Бундан ташқари ширкат ҳўжаликларининг тўғрилиб, фермер ҳўжаликлари айланганлигини натияжада бошқарув тизимидан 845 нафар ходим ларозими қисқартирилиб, аксарияти бошқа ишларга ўтказилди. Шу тўғрисида бир йилда 88 миллион сўм боқиманда маблағ иқтисод қилинишига эришилди. Ёзёвонлик фермерларнинг бир йиллик тажрибаси виллоятда янгилаш бошқариш муносабатларининг ўзига хос мактаби яратилётганлигини кўрсатиб турибди. Фарғоналик аял деҳқонлар бутун ана шундай янгилаш ниёт, янгича озулар қанотида меҳнат қилишнинг. Икки ўзгаришлар, эришляётган ютуқлар виллоят агросаноат мажмуи юксалигига эъ тўтганлигини кўрсатиб турибди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси тендер танловлари ўтказиш республика бошқармасининг НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

2003 йилдаги касб-хўнар коллежлари ва қишлоқ шифокорлик пунктлари объектлари учун материал ва жиҳозларни харид қилиш бўйича газетанинг 62-сонида эълон қилинган тендер танловларида гўлиб аниқланмаганлиги учун қайтадан очик турдаги тендер танловлари ўтказилишини эълон қилади.

Table with 6 columns: №, Маҳсулот номи, Ўлчов бирлиги, Сони, №, Маҳсулот номи, Ўлчов бирлиги, Сони. It lists various construction materials and their quantities for tender items.

Ҳар бир маҳсулот учун мувофиқлик ва гигиеник сертификатлар талаб қилинади.

Буюртмачи: Наманган шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган виллояти ҳокимлигининг капитал қурилиш бошқармаси. Телефонлар: 6-22-60, 3-77-14, 3-67-63. Жиҳозларни сотиб олиш буюртмачига давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Тендер савдолари ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармасининг Наманган виллояти филиали. Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳўжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Наманган виллояти филиалига қуйидаги манзилга: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават) иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача мурожаат қилиш мумкин.

Тел./факс: (8-36922) 6-14-50, 6-47-91.

Тендер ҳўжатларининг битта тўпلامи нархи — 20000 (ийгирма минг) сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириг мuddати — оферталар очилиш кун ва соати. Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 36-уй (мажлислар зали).

SAMSUNG ELECTRONICS CO. LTD. advertisement for air conditioners. Includes text: ВНИМАНИЕ! ПРИ ПОКУПКЕ КОНДИЦИОНЕРОВ «SAMSUNG» ТРЕБУЙТЕ У ПРОДАВЦА ОФИЦИАЛЬНЫЙ КУПОН С ПЕЧАТЬЮ. Also features a circular logo and an image of a Samsung air conditioner.



Таътил - 2003

Вақт болалик каби югурик. Гўё кечагина янги йилни кутиб олишга чоғланаётгандек эдик. Бугун эса ёз — дам олиш мавсуми бошланиб кетди. Бу кўпроқ болажонларимизга тегишли. Зеро, улар ўзларининг таъбири билан айтганда «энг катта таътил»га чиқишган. Ҳўш, республикамизда болаларни соғломлаштириш ва дам олиш мавсуми қандай бошланди?

Бу биргина савол замирида ўнлаб масалалар кўз олдимизга келади: оромгоҳларга малакали педагог ва тиббиёт ходимларини жалб этиш, мавсум давомида ўтказиладиган турли-туман тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, болалар хавфсизлигини таъминлаш, озик-овқат масаласи, тиббий-санитария талабларига риоя этиш ва ҳоказо, ҳоказо.

# ОРОМГОҲ ОРОМ БИЛМАЙДИ

Май ойи охирида Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий мажмуида Болаларни ёғи соғломлаштириш ва дам олиш бўйича комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтган эди. Унда юртимизда ҳар йили болаларнинг ёғи дам олиш мавсумига пухта тайёрлик кўриштирилганлиги айтилди. Мазкур мажлис қарорига кўра, оромгоҳларга ёғи мавсумда газ, электр қуввати, телефон ва коммунал хизмати учун 50 фоиз ҳақ тўлаш имтиёзи берилди.

Бу йилги дам олиш мавсумида республикамиздаги 576 та оромгоҳда 241 минг нафар бола дам олиши мўлжалланган. Шу билан бирга Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятлари келадиган 4 минг нафар болани Тошкент вилояти ҳудудларида оромгоҳларда бепул соғломлаштириш ва дам олириш режалаштирилган.

лиқни сақлаш вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» жамғармаси яқиндан ёрдам бермоқда, — дейди Болаларни соғломлаштириш бўйича республика комиссиясининг раиси ўринбосари Озода Муҳитдинова. — Бу йилги тайёрлик умуман олганда яхши, бироқ муаммолар йўқ, деб айта олмаيمиз. Утган қиш мавсумида қорнинг кўп ёққандлиги ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Республикада айрим оромгоҳлар бу йил турли шарт-шароит ва сабабларга кўра, нисбатан кечроқ очилди. Бунга кўпчилик оромгоҳларнинг тоғ ён бағрида жойлашганлиги, об-ҳаво билан боғлиқ шароитлар сабабчи. Сел ва кўчкилар туфайли тоғ ён бағридаги бир қатор оромгоҳларимиз авария ҳолатига келиб қолди. Бир қатор корхоналар эса моддий маблағ етишмаслиги туфайли ўзларига қарашли оромгоҳларни сотиб юборишга мажбур

бўдилар. Шу боис оромгоҳларда дам олишни болаларнинг умумий сони камаймаслигига ҳаракат қилиб, бу йил мавсуми уч эмас, тўрт босқичда (ҳар бири 18 кундан) таққил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Умуман ўқувчилар ёғи таътилда яхши дам олишлари учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қилаймиз. Ҳа, бу чора-тадбирларни амалга ошириш осон бўлмаганлигини ҳис этиш мумкин. Бунинг учун ҳар бир кишидан ташаббускорлик, тажриба ва билим, энг муҳими, болаларга нисбатан меҳри бўлиш талаб этилади. Афсуски шу ўринда болалар оромгоҳларининг йилдан-йилга камайиб кетётгани, Масалан, бугун ҳам оромгоҳлар сони 747 та бўлган бўлса, бу йил 576 тага тушиб қолди. Тўғри, уларнинг кўчилиги мактаб қошидаги оромгоҳлар эди. Шундай бўлса-да,

ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган қарори ижросини таъминлаш юзасидан тегишли ҳужжатларни қабул қилганлари йўқ. Бунинг оқибатида оромгоҳлар жойлашган ҳудудларда сув, газ, алоқа, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари юқоридан шундай мазмундаги буйруқни кутиб тураверди. Акс ҳолда, хизмат учун имтиёзли тариф бўйича эмас, юз фоиз ҳақ тўлашни талаб қилишлари ҳам мумкин. Болаларимизнинг таътил ойлари ҳам қизинг уятти. Бу борада мавжуд муаммолар зудлик билан ҳал этилиши, болаларни қабул қиладиган оромгоҳларни талаб даражасида бўлишини таъминлаш учун барча чора-тадбирлар кўрилиши, тегишли мутасадди ташкилотлар, муассасалар буни жиддий ҳис этишлари керак. Фарзандлар олдидаги масъуллик шуни талаб этади.

Рустам БОЙТЎРА,  
«Халқ сўзи» мухбири.

ВАЗИРЛИКЛАР, ИДОРЛАР, ОЛИЙ ҲУҚУВ ЮРТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ТАЛАБА-МАГИСТРАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ

2003/2004 ўқув йили учун талаба-магистрантлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияларига

### ТАНЛОВ ҲАҚИДА

Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги 157-сон қарори билан тасдиқланган «Талабалар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиялари тўғрисида»ги низоми ва уларни тайинлаш тартиби»га асосан куйидаги таълим йўналишлари бўйича ўтказилади:

- қишлоқ ҳўжалиги ва ирригация;
- техника ва информатика;
- тиббиёт, доришunosлик ва жисмоний тарбия;
- ижтимоий-гуманитар;
- физика-математика ва кимё-биология;
- иқтисодий;
- педагогика-психология;
- маданият ва санъат;
- чет тиллар;
- ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар;
- журналистика.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияларига даъвогарларнинг ҳужжатларини (1 нусxada) марказ талабларига риоя қилган ҳолда тайёрлаб, 2003 йил 30 июнча Фан ва технологиялар марказига тақдим этиш сўралади.

Манзил: Тошкент ш., 2-Сўлаймова к., 29-ў. Телефонлар: 139-01-93, 139-08-82.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

## «ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ»

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИДА

пенсия тўловлари ҳисоб-китоби ва назорати жараёнлари техник базасини мустаҳкамлаш ва автоматлаштириш тизимини яратиш лойиҳаси бўйича

Буюртмачи — «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компанияси.

«Ўзбекистон почтаси» ДАҚда пенсия тўловлари ҳисоб-китоби ва назорати жараёнларини автоматлаштириш тизимини яратиш ва техник базасини мустаҳкамлаш ишлари Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Савдони уюштирувчи — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги.

Савдода қатнашиш учун компьютер техникаси ва тармоқ ускуналарини ишлаб чиқариш ва келтириб сотишга ихтисослашган фирма ва компаниялар тақлиф этилади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган компания ва фирмалар куйидаги талабларга жавоб беришлари шарт: Ўзбекистон Республикаси ҳудудига улгуржи савдо билан шуғулланишга ҳуқуқ берувчи ҳужжатларга эга бўлиши, тўловлар бўйича қарзи йўқлиги ҳақида солиқ органларидан берилган маълумотнома, улгуржи молларни келтириб сотиш бўйича етарли тажрибага ва миқозлар ишончига сазовор бўлганлик.

Савдо шартлари ва тендер ҳужжатларини сотиб олиш бўйича қўшимча маълумотларни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг дастур маҳсулотлари ва ахборот тизимларини жорий этишни мувофиқлаштириш бўлимидан 137-46-40, 137-45-26 телефонлар орқали олиш ёки ўз маълумотингизни depikppis@aci.uz электрон адресига «ТЕНДЕР» белгиси билан йўллашингиз мумкин.

Оферталар савдони уюштирувчи томонидан куйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 137-46-40, 137-45-26, факс: 139-87-82. Электрон почта манзили: depikppis@aci.uz Савдони уюштирувчига оферталарни тақдим этишнинг сўнгги муддати — 2003 йилнинг 22 июнигача. Оферталарни очиб 2003 йил 25 июнь кунини Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1-уйда амалга оширилади.



2003 йилнинг 10 июнида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг «Сюрприз» ютуқли омонати бўйича 3-ютуқ тиражининг

### РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Ютуқлар куйидаги ҳисоб варақалар рақамларига чиқди

№	Ютуқ миқдори % да	Ҳисоб варақ рақами	№	Ютуқ миқдори % да	Ҳисоб варақ рақами	№	Ютуқ миқдори % да	Ҳисоб варақ рақами	№	Ютуқ миқдори % да	Ҳисоб варақ рақами
1	25	8	26	25	254	51	25	504	76	50	751
2	100	12	27	25	268	52	50	512	77	25	763
3	25	20	28	25	279	53	50	529	78	25	771
4	25	31	29	25	282	54	25	536	79	25	785
5	25	47	30	25	296	55	50	542	80	100	793
6	25	56	31	25	307	56	25	558	81	25	806
7	100	62	32	25	318	57	25	567	82	25	816
8	25	72	33	25	328	58	50	575	83	25	828
9	25	88	34	50	334	59	50	582	84	100	834
10	25	95	35	50	345	60	25	593	85	25	840
11	25	104	36	25	350	61	100	608	86	25	859
12	200	118	37	50	367	62	50	610	87	25	868
13	25	129	38	25	379	63	25	620	88	25	876
14	50	135	39	50	382	64	25	630	89	25	880
15	25	149	40	25	390	65	25	646	90	25	891
16	50	156	41	25	406	66	25	657	91	50	906
17	25	168	42	25	416	67	50	668	92	25	919
18	25	174	43	25	420	68	25	676	93	50	927
19	100	186	44	25	437	69	25	684	94	25	934
20	25	198	45	25	441	70	25	690	95	50	943
21	200	202	46	50	450	71	25	705	96	25	953
22	200	215	47	50	462	72	100	719	97	100	968
23	100	225	48	100	477	73	25	722	98	50	976
24	25	238	49	25	488	74	25	736	99	200	986
25	25	244	50	25	499	75	200	746	100	25	991

Изоҳ: Ютуқлар ушбу жадвалда фақатгина биринчи мингталик ютуқлик ҳисоблар бўйича кўрсатилган. Агарда ютуқли омонат бўйича ҳисоб варақалар сони мингдан ошиб бўлса, унда кейинги минглик ҳисоб варақаларида ҳам худди шу сонлар ютуқли ҳисобланади, худди биринчи мингталикдагидек.

Мисол учун: ВС-15; ВС-1015; ВС-2015; ВС-3015....

Ушбу жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб, «Ўзсаноатқурилишбанк» филиаллари унинг ёрдамида ютуқлар миқдорини ҳисоблаб чиқаради ва белгиланган тартибда ютуқ эгаларига тўлайди.

Ҳайъат раиси,  
«Ўзсаноатқурилишбанк» бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари

Масъул котиб

Р. Қ. Шораҳбаров

Н. Г. Эргашходжаев

**ХАЛҚ БАНКИ** — СИЗИНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

**«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР** КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача  
136-09-25  
132-10-63  
242-хона

### Техронга — халқаро болалар ижодиёти танловига

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан тайёрланган расмлар кўргазмаси Эронга юборилди. Ушбу академия тасарруфидоги болалар бадий адабиёти студияларида яратилган энг яхши ижод намуналаридан иборат бу экспозиция Техронда ташкил этилган болалар чизган расмлар III халқаро танловига тақдим этилди.

«Она Ватан табииати», «Диёрим, анъанаси ва урф-одатлари» деган мавзуларда чизилган бу суратлар ўзбекистонлик истеъодли болаларнинг ўз юртига бўлган меҳр-муҳаббати, Ватан туйғуси янглиғ юзага келди.

Акбар АЛИЕВ.

## ХАЛҚ БАНКИ

«ЯХШИЛИК НИҲОЛИ» — янги жамғарилувчи омонат тури ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Омонат турига маблағлар «Халқ банк»нинг барча муассасалари томонидан камиди 5000 сўм миқдоридан нақд пул ва нақд пулсиз ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

«Яхшилик ниҳоли» жамғарилувчи омонат тури соҳиблари топширигига кўра, уларнинг ҳисоб варақларидан маблағлар маиший хизмат тўловларига нақд пулсиз ўтказилганда хизмат ҳақи олинмайди.

МАБЛАҒЛАРИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНҚДА САҚЛАНГ ВА КўПАЙТИРИНГ!

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОҲОВ

Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Г. Прохоренко, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Утбосаров, О. Қайиббергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001  
Буюртма Г — 518, 29520 нусxada бошилди,  
ҳажми — 2 тибок, Офсет усулида бошилди.  
Қозоқ бичими А-2  
Газета IBM компьютерга терилди ва операторлар Жамшид ТОВАЕВ ва Абдул БОЛТАЕВ томонидан саздаланди.

Таҳрирнинг ҳажми 5 қозоқча тилида материаллар қабул қилинмади.  
□ Тижорат материалли

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Набатчи котиб — А. Орипов.  
Набатчи муҳаррир — У. Файзиёва.  
Набатчи — С. Донёров.  
Муасхих — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга тошириш вақти — 21.00  
Тоширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6